


Тазкия дарслари (48-дарс). Ким нимани ютса, фақатгина одоб билан ютади



ТАЗКИЯ
дарслари **48-дарс**

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг
"Тасаввуф ҳақида тасаввур" ва "Руҳий тарбия-1-2-3" китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



13:45 / 31.08.2019 4132

«Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласида ўттиз тўртинчи рақам билан келган «Яхшилик ва ахлоқ китоби» ҳозирги замонимизда ахлоқ бобида алоҳида ёзилган китоблар муқаддимаси бўлса, ажаб эмас.

Одоб ва ахлоқ ҳақидаги қисқача таърифдан сўнг асосий мақсадга ўтайлик.

Одоб масаласи тасаввуфда ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Чунки Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишда одобнинг ўрни муҳим. Беодоблик сулукнинг барчасини бузади. У амални ҳам, қалбни ҳам, зикрнинг шавқини ҳам, узлатнинг фойдасини ҳам, тилни тийишнинг асарини ҳам ва бошқа уринишларни ҳам бузади. Одобсиз одам шайхлардан бирор нарса ўрганиши мумкин эмас. Одобсиз одам бошқалар билан ҳам алоқасини яхшилаёт олмайди. Чунки тасаввуфнинг қоидаларидан бири: «Ҳақ ва халқ билан одоб бўлмагунча, сайри сулук бўлмас».

Шунинг учун ҳам машойихлар:

«Ким нимани ютса, фақатгина одоб билан ютади. Ким нима билан қуласса, фақатгина беодоблик билан қулайди», деганлар.

Яхши одоб аслида нафснинг камолотга етгани, унинг интизомлилиги, унинг жиловланганлиги ва хайрда эканлигининг аломатидир. Аксинча, беодоблик нафснинг ҳали покланмаганлиги, жиловланмаганлиги ва

интизомли эмаслиги аломатидир.

Одоб иккига бўлинади: назарий ва амалий жиҳатга. Одоб олдин назарий жиҳатдан ўрганилади ва кейин унга амал қилинади.

Албатта, бошқа нарсалар ва илмлар қатори, одобнинг асосий манбаи ҳам Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Ана шу икки асосий манбада бу борада келган нарсаларни ўрганиш ва ўргатиш билан тасаввуф шуғулланади.

Тааммул қилиб кўрадиган бўлсак, одобнинг доираси жуда ҳам кенг. Оддий нарсаларга нисбатан бўлган одобдан бошлаб, то барча нарсаларнинг Роббига нисбатан бўладиган одобгача бор. Ўша кенг доирадаги одобларга амал қилиш аввало кишининг ўзи учун фойдалидир.

Мисол учун, чой ичадиган пиёламизни олиб кўрайлик. Ким ўз пиёласига нисбатан одобли бўлса, ўзига фойда. У одобли бўлса, ўша пиёлани авайлаб ишлатади, тоза тутлади. Натижада пиёла узоқ вақт унга кўнгилдагидек хизмат қилади. Агар ўша одам пиёлага нисбатан беодоблик қилса, унинг лаби учади, кир бўлади, дарз кетади ва охири бориб синади.

Мана шу ҳолни бошқа ҳар бир катта-кичик нарсада мулоҳаза қилишимиз мумкин. Ҳамма нарса билан одобли муомала қилиш керак бўлса, бунча одобни қандай қилиб ўрганиб бўлади, деган хаёлга бормаслик керак. Бу гапни бошқалар айтишлари мумкин. Аммо биз мусулмонлар зинҳор айта олмаймиз. Чунки Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарада ҳамма нарсанинг муомаласидаги одоблар баён қилинган. Тафсир, ҳадис ва фикҳ китобларимиз бу каби одоблар билан тўла. Исломи адабиётининг асосини ҳам одоб ташкил қилади.

Одоб билан одобнинг фарқи борлигини ҳам айтиб ўтмоғимиз лозим. Агар фикҳда одоб ҳақида гапирилса, фарз, вожиб ёки суннат амалларни тўлдирувчи нарса ҳақида сўз юритилган бўлади.